

2006 йилда адабиёт соҳасида Нобел мукофотига икки ижодкорнинг номзоди киритилган эди. Бири - Адонис тахаллуси билан танилган суряялик шоир Али Ахмад Сайд, иккинчиси - туркиялик ёзувчи Ўрхон Памук. Барча адабий доиралар ва матбуот вакилларининг аксарияти, мукофот, албатта, Адонисга тегса керак, деган фикрда эдилар.

Аммо Швеция Академияси 2006 йил 12 октябр куни соат 14.00 да оммавий ахборот воситаларига расмий баёнот бериб, адабиёт соҳасида 2006 йилги Нобел мукофоти «Тугилган шахрининг хазин руҳи изларини кузатиб яшар экан, маданиятларнинг бир бири билан уланиши ва боғланиши учун янги размлар топган» Ўрхон Памукка берилганини билдириди. Шундай килиб, Ўрхон Памук бутун туркий дунё юртлариаро биринчи бўлиб Нобел мукофотига сазовор бўлган илк турк ёзувчиси бўлди.

Фарит Ўрхон Памук 1952 йил 7 июнда Истанбул шахрининг Нишонтоши туманида ўзига тўқ оиласининг кенжа фарзанди сифатида дунёга келди. Бобоси ва амакиси хам, отаси Гундуз Памук хам олий маълумотли ва юксак малакали мухандис эди. Ота авлоди оппок лўппи юзли бўлганлари учун одамлар уларга "Памуклар" деб лакаб кўйишган ("памук"- "пахта" дегани), кейин улар бу лакабни ўзларига фамилия килиб олишганди.

Онаси Шакура хоним, Усмонлилар Салтанати даврида - 1700 йилда Гирит (Крит - Ўрта денгиздаги орол) волийлигини курган машхур давлат арбоби Иброҳим Пошонинг авлодларидан эди. Она авлодининг оила аъзолари Истанбулнинг Жаҳонгир туманида яшардилар.

Памуклар оиласининг бойлиги ва мол-мулкларига бобоси асос солганди. У тижоратчилик оркали жуда катта бойлик орттириди. Аммо оила энг равнак топган бир паллада у тўсатдан оккон касалидан вафот этди. "Отам ва амаким хали ёш бўлганлари учун бобомдан колган фабрикани яхши идора килолмадилар, катта иншоот ишларига билар-билмас сармоялар сарфлаб, банкрот бўлиб, бобомдан колган кўп молларни, биноларни, расталарни оналарига кетма-кет соттирадилар". "Онам, отам, акам, бувим, амакиларим, аммаларим, янгаларим беш каватли бир бинонинг турли каватларида яшардик", деб хотирлайди ёзувчи. Отаси Гундуз Памук халкаро ИБМ фирмасининг Туркия бўлимида Бош мудир эди.

Ўрхон Памук Истанбулда улгайди. Рассом бўлиш орзусида Роберт колледжида ўқиди. Кейин Истанбул техника университетининг меъморлик куллиётида хам уч йил тахсил олди. Аммо рассом хам, меъмор хам бўлолмаслигига ишонч хосил килгач, ўкишни ташлаб кетди. Вакти кўплигидан ёзувчиликда ўз кучини синаб кўрмокчи бўлди ва малакасини мустахкамлашга эҳтиёж сезиб, Истанбул университетининг Журналистика инс-титутига кирди ва шу ерда ўкишнинг охирги йили диплом олиш учун таътилга чиқарилди. Диплом ишини ярмида колдириди. Факат "Кор" романини ёздию, ортиқ малака ихтисоси олганлиги тўгрисидаги диплом учун куч сарфламади.

Ўрхон Памук 1982 йилда уйланди. 1991 йилда Рўё исмли бир кизли бўлди. Аммо 2001 йилда оиласи билан ажрашди.

У 1985-1988 йилларда Ява университетида дунё ёзувчиларининг АКШ хаётини ўрганишлари ва китоб ёза оладиган бир холга эришишларига имкон берадиган курсни битирди ва ўзи айтганидай, "хаёти ўзгарди". Илк китобидан эътиборан Туркия ва чет элларда мукофотлар олди. Китоблари хам кўп сотилди хамда адабий жихатдан кўп танкидларга учради.

Ўрхон Памук ёзувчиликни 1974 йилда бошлади. Илк бор Мехмет Эрўгли билан хамкорликда ёзган ва 1979 йилда "Коронгилик ва нур" номи билан босилиб чиккан романи "Миллий романлар" танловида биринчи ўринни олди. Аммо 1982 йилда бу романни кенгайтириб ва тўгрилаб, "Жавдат Бей ва ўгиллари" номи билан кайта чоп килдирди. Асар жаҳон адабиётида кўп учраган оила хаётини акс эттирувчи романлар типида бўлиб, тижоратчилар оиласида юз берган юксалишлар ва инкиrozларни хикоя киларди. Бу сафар китоб Ўрхон Камол мукофотига лойик деб топилди. Памукнинг бундан кейинги ки-тоблари хам кетма-кет мукофотлар олишда давом этди. 1984 йилда нашр этилган иккинчи романни "Сассиз уй" "Модерн роман" мукофотини олди. Бу романнинг франтсузча таржимаси эса 1991 йилда Франциянинг "Оврупода кашф" мукофотига сазовор бўлди. 1985 йилда нашр этилган "Ок калъа" номли тарихий романни 1990 йилда АКШда "Индепендент Авард фор Фореигн Фистион" мукофотини кўлга киритди ва чет элларда янада кенгрок донг таратди. Ўрхон Памук 2002 йилда нашр килдирган "Кор" китобини "Туркиянинг этник ва сиёсий масалаларини тадқик этувчи сиёсий роман" сифатида таърифламокда. Бу китоби 2004 йилда инглизчага таржима килиниб, чоп этилганда "Йилнинг энг яхши 10 китобидан бири" сифатида кўрсатилди.

Йиллар ўтган сайин Ўрхон Памукнинг чет эллардаги шухрати ортишда давом этди. 1998 йилда нашр этилган "Менинг отим кирмизи" асари 24 тилга таржима килинди ва 2003 йилда Ирландиянинг энг катта хисобланувчи "Интер-натионал ИМПАС Дублин Литерарий Авард" номли халкаро мукофотини олди.

Памукнинг романларидан таш-кари, маколалар ва сухбатлар сайланмаси хамда бир хикоядан ташкил топган "Бошкача ранглар" (1999) китоби хам бор. Айни чогда у "Никобли юз" номли кинокисса муаллифи хамдир, унинг стсенарийси асосида режиссёр Умар Ковур шу номли кинофильмни сувратга олган. Ёзувчининг бу стсенарийси учун 1990 йилда чоп килдирган "Кора китоб" романидаги бир бўлим асос бўлганди. 1991 йили Антalia "Олтин пўртахол фильм" фестивалида "Никобли юз" "Энг яхши стсенарий" номинатсияси бўйича мукофот олди.

Ўрхон Памук ўз макола ва сухбатларида инсон хукуклари, фикр эркинлиги, демократия ва шунга ўхшаш мавзуулар устида тўхталади.

Ўрхон Памукнинг романчилиги постмодерн роман категориясида баҳоланмокда. Тадқикотчи Йилдиз Эжевит "Ўқимок" ("Мутолаа") номли китобида Ўрхон Памукни авангард романчи сифатида таърифлаётir. Айниска, "Ок калъа", "Кора китоб", "Янги хаёт", "Менинг отим кирмизи", "Кор" романлари -постмодерн романнинг илгор

намуналари сифатида саналмокда. Бу китобларда Памук - хамма адабиёт турлари орасида янги бир ўтиш даврини бошламокда хамда ўтмиш-бугун, шарк-гарб, анъана-модерн ва янги-эски борасида катта ўзгаришларга йўл очиб, ўзининг ана шу руҳдаги асарларини таркатмокда. Шу ишни амалга ошикаркан, Памук, айникса, постмодерн романининг мухим бир унсури бўлган усткурма техникасини мохирона кўллаши билан юкори натижаларга эришмокда. Ўрхон Памукнинг тилга оид ўйинларга рагбати йўқ, шундай бўлса хам асарларида омма, кўпчилик кўринади ва бир неча характеристири сўзни олиб, баённи фаркли томонлардан ривожлантиради. Чунончи, "Менинг отим кирмизи" романининг хар бўлимида янги бир ифода намоён бўлади ва бизга ўзини хамда воеаларнинг ривожини кўрсатиб беради.

Худди шу шаклда адабиёт тарихчиси Жола Парла хам "Дон Кихотдан то хозирги кунгача бўлган роман" номли кенг микёсли асарида "Менинг отим кирмизи"дан бошлаб, Ўрхон Памукнинг романчилигини чогиштирма адабий гулдаста ичидаги тадқик этади. Парланинг фикрича, Памук турк романида бурилиш килаётган бир ёзувчидир. Шарк-гарб муаммолари бўйича эстетик майдонда катта меҳнат килган Ахмет Хамди Тонгинар ва Ўгуз Отой каби залворли ёзувчилардан биридир Памук. У, бу муаммоларни маданий ва фалсафий маънолари билан адабиётга олиб киришда, айникса, "Кора китоб" романи(1990)да ўзини намоён этди ва бу асар мазкур мавзуни тадқик этиш учун намунали матн бўлиб колди.

Хуллас, Ўрхон Памук хозир 10 та китоб муаллифи бўлса, 11 марта мукофотга сазовор бўлган, 30 тилга таржима килинган ва Туркия хамда бутун дунёда танилган муаллифдир, китобларининг 2 миллионга яқин нусхаси сотилган.

Ўрхон Памукнинг Нобел мукофотига сазовор бўлиши муносабати билан интернетда таркатилган маълумотларнинг кискача баёни асосан шулардан иборат. Унинг ана шу мукофотни олган "Истанбул. Хотиралар ва шахар" китоби Истанбулда 2003 йилда босилган ва бу кунгача турк тилида 9 марта нашр этилган. Асарда ёзувчининг ўзини "мен" сифатида илк бор таниган пайтлари, онаси, отаси, бутун оиласининг ички дунёси хакидаги хикоя, хазинлик ва саодат манбаи бўлган Истанбул кўчаларида очилади. Давримизнинг таникли ёзувчиси 1950 йилларнинг Истанбул кўчаларини, тош коплаган проспектларини, ёнган ё йикитилган ажойиб меҳмонхоналарини, кадим маданиятнинг излари йўколиб кетаётганини, унинг куллари ва колдиклари узра бир янгисининг тикланишидаги кийинчиликларни ўсмир назари билан кашф этаркан, Памукнинг руҳий дунёси кандай камол топганини бир детектив романни ўкигандай сабрсизлик билан ўқиймиз. Бу асл ва ўхшashi йўқ асарда, кўлдан кўйиб бўлмайдиган китобларга хос руҳ ва туйгу бирлиги бор.

Жаҳон адабиётида болалик тарихлари хакида кўпдан-кўп бадиий асарлар ёзилган. Аммо Ўрхон Памукнинг бу китобини уларнинг хеч бирига ўхшатиб бўлмайди. Биринчидан, тасвир учун олинаётган воеаларда камров кенглиги, мавзу ичига киришдаги фикр теранлиги ва хар доим ўкувчи калбини ларзага солиб борувчи хазинлик ва самимийлик бир оханрабодек ўзига жалб этади.

Гамгинлик руҳининг хак-конийлиги борасида ўкувчидаги хеч кандай шубха уйготмайди.

Чунончи, Памуклар хонадонидаги бўхронлар (бобосининг ўлимидан кейин отаси ва амакиларининг укувсизликдан сина бориши, ака-укалар ўртасидаги келишмовчиликлар, ота-онасининг айрим-айрим хаётлари) ёш Ўрхоннинг калбини зиркиратса хам, иккинчи томондан, бу хонадондаги совук ва ёкимсиз хаёт, килар иши тайини йўқ бувисининг бекорчиликдан карта, хатто кимор ўйнаб кун кечиришлари бу хаётнинг таназзулга кетиши мукаррарлигини ички оғрик билан хис килади. Ўрхон, албатта, бувиси ўзининг дастлабки устози бўлганини миннатдорлик билан хотирлайди. Памук бу асарида Истанбулда яшаб ўтган бир катор фидойи инсонлар хаётини хам ачиниш билан тасвирилаб ўтади.

Шунингдек, китобда Истанбулнинг курилишлари ва бунга алокадор бузилишлари, йикитишлар ва ёкишлар, янги иншоотлари хакида, буни ўз изходида акс эттирган миллий ва хорижий рассомларнинг фаолиятлари, Рашот Акрам Кўчу сингари шахар энциклопедистлари (комусчи, билим тўпловчилари) хакида хам кўп гаройиб воеаларни, инсон манзараларини келтирган.

Бойлар ва камбагаллар муаммоси устида тўхталаркан, бойларнинг зулмларини кабул килолмаслиги, шунингдек, камбагалларнинг ялковликлари, локайдликларини хам хуш кўрмаслигини кўп ўринларда тахлил килиб ўтади.

У тараккийпарвар бойларнинг яхши фаолиятлари билан бир каторда (чунончи, Сахиб Сабанчи 1990 йилдан кейин ўз уйида Истанбулнинг энг яхши маҳсус музейини барпо этгани), ўз бойликларини пора воситасида орт-тирганлар ва бой бўлиб олгандан кейинги умрини на ўкиш, на ўқитишга, на-да шахмат ўйинига сарфлашни хаёлига келтирмайдиганлар хам борлигини таъкидлайди.

Китобда яна гарблашишнинг фойда ва заарлари, миллий маҳдудликнинг келтирадиган зиёнлари, расм солишининг завқ-лари, Бўгоздан ўтувчи кемалар, уй ўзгартириш ва бошка фалокатлар, оила баҳтиёрлиги, сабр, эҳтиёт, санъат, биринчи мухаббат - хуллас, жуда кўп ва мухим инсоний кадриятлар бадиий тадқик этилади ва китобхонни гўзал туйгулар, ўйлар, билимлар билан бойитади.

“Маърифат” газетасидан олинди.